


I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 21044 тани ташкил қилиб, шундан 19952 таси ёки 94,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5301 та (25,2 фоизи), саноат 3992 (18,7 фоизи), қурилиш 1579 та (7,5 фоизи) ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1538 та (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 20246 тани ташкил қилган бўлиб, шундан 18739 таси ёки 92,6 фоизи фаолият кўрсатган.

2018 йил 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларнинг шаҳар ва туманлар кесимида улуши



Вилоятда 2018 йил 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий улуши Наманган шаҳар (40%), Чуст туман (8%), Наманган туман (7%) ва Тўрақўрғон туман (6%) лари ҳисобига тўғри келмоқда.

Вилоятда 2018 йил 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий улуши Наманган шаҳар (40%), Чуст туман (8%), Наманган туман (7%) ва Тўрақўрғон туман (6,1%) лари ҳисобига тўғри келмоқда.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони
(шаҳар, туманлар кесимида)

	Рўйхатга олинган		
	2018 йил	2017 йилга нисбатан %	2018 йил жамига нисбатан улуши %
Жами	21044	103,9	100,0
<i>шаҳарлар :</i>			
Наманган	8600	108,1	40,9
<i>туманлар :</i>			
Мингбулоқ	782	105,7	3,7
Косонсой	1179	103,5	5,6
Наманган	1498	93,0	7,1
Норин	795	102,2	3,7
Поп	1129	90,3	5,4
Тўрқўрғон	1248	102,0	5,9
Уйчи	1142	112,3	5,4
Учқўрғон	1009	100,2	4,8
Чортоқ	1018	105,5	4,8
Чуст	1662	102,2	7,9
Янгиқўрғон	992	105,0	4,7

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	21044	103,9	19952	106,5
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1538	108,5	1462	109,9
саноат	3992	118,0	3884	119,4
қурилиш	1579	98,0	1447	102,3
савдо	5301	98,8	4845	103,8
ташиш ва сақлаш	725	109,5	703	111,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	866	106,5	800	108,8
ахборот ва алоқа	324	97,0	306	97,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	471	73,7	442	71,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6248	103,9	6063	105,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 86,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 35,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 31,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида 16928 та кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, шу давр оралиғида 2353 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил топган бўлса, тугатилган субъектлар сони 1500 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич жамига нисбатан 7,1 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, 2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 111 тани ташкил этиб, шундан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ташкил топганлири сони 17 тани, тугатилган корхоналар сони 3 тани ташкил этди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг
мулкчилик шакллари бўйича умумий сони
(2018 йил 1 январь ҳолатига)**



2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган 21044 та хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакли бўйича, 9693 таси масъулияти чекланган жамиятлари (2016 йил январь-декабрь 8489 та) ёки ўтган йилга нисбатан 114,2 фоизга ошган. Хусусий корхоналар сони 6408 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-декабрда 6775 та) ўтган йилга нисбатан 94,6 фоизга ёки 367 тага камайган. Оилавий корхоналар сони 255 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-декабрда 162 та) 157,4 фоизга ортган. Бошқа тижорат корхоналари 4688 тани ташкил этиб, (2016 йил январь-декабрда 4828 та) ўтган йилга нисбатан 97,1 фоизга ёки 140 тага камайган.

2017 йил январь-декабрь ойларида жами 2554 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2353 та). Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 42,4 фоизи), Уйчи (7,0 фоизи), Наманган (6,7 фоизи), Тўрақўрғон (6,2 фоизи), Чуст (5,9 фоизи), Мингбулоқ (4,8 фоизи), Чортоқ (4,6 фоизи) Норин (4,5 фоизи), туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,8 фоизи саноат, 23,4 фоизи савдо ва 5,2 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1758 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 306 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 17,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.